

# УЗУЛИКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕТОДИК ТАЪЛИМОТИ

*Соатов Элмурод Махмарайимович*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти*

*Болалар спорти кафедраси ўқитувчиси*

*Аннотация:* Мазкур мақолада узуликсиз таълим жараёнида жисмоний тарбия дарсларини ташкил этишнинг методик таълимоти ҳақида таҳлил қилинган.

*Таянч сўзлар:* жисмоний тарбия, узуликсиз таълим, жараён, ёшлар, ривожланиш, шаклланиш.

*Аннотация:* В данной статье анализируется процесс физической обучение с средством традиционных методик.

*Ключевые слова:* физической обучение, традиция, процесс, средство, развитие, формирование.

*Annotation:* In given article is analyzed process physical education with facility of the traditional methods.

*Keywords:* physical education, tradition, process, facility, progress, formation.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, жисмоний тарбия ва спортнинг жамият ҳаётидаги нуфузи янада ортиб, ушбу соҳа нафақат соғлом авлодни тарбиялаш омили бўлиб қолди, балки бу йўналиш ёш авлод онги ва қалбида ўзгача ҳавас-иштиёқ уйғотди. Бу эса ёшларни соғлом турмуш тарзига тайёрлаш, касб-хунарга йўналтириш ишларининг мазмуни ва сифатини ошириб, ўзига хос муҳим воситалардан бўлмоқда.

Қайд этиш жоизки, ёшларнинг жисмоний-интеллектуал ресурсларини уйғун ривожлантиришда, айниқса, спортнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланиши бежиз эмас. Чунки спорт мазкур ресурсларни янада

ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг зарур омилидир. «Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир. Ҳақиқатан ҳам, у иродани тоблайти, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди».

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1997), Давлат таълим стандартлари асосида жисмоний маданият факультетларининг ўқув режаси янгидан тузилиб, уларда ихтисослик бўйича назарий фанлар ва амалий турлар (спорт турлари) мавжуддир. Уларнинг таркибида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Маънавият асослари» каби янги ўқув фанларнинг киритилиши муҳим воқелиқдир. Яъни жисмоний маданият ва спорт соҳасида талабаларга ўз ихтисосликларини эгаллашда миллий кадриятлар ва уларнинг мазмунидаги миллий анъаналар ҳақида билим олишга имкониятлар яратилди.

Бундай талабларни амалда бошқариш масалалари ишлаб чиқариш меҳнат жамоалари, турли муассасалар, аҳоли истиқомат жойлари, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш оромгоҳлари маконларининг ижтимоий меҳнат шароитлари, ижтимоий меҳнат таъминотлари билан боғлиқлигини эътиборга олиш лозим. Яъни уларда оммавий соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил қилувчи ташкилотчи-мураббийларга бўлган эҳтиёжлар, заруриятлар асосида штатларни белгилаш, зарур бўлган спорт ташкилотлари ёки бакалавр олий ва ўрта махсус ўқув юртларига буюртмалар беришни йўлга солиш лозим бўлади. Ана шу тадбирлар изга туширилса, маълум соҳалардаги ташкилотчиларнинг кўпайиши, уларнинг иш фаолиятларида миллий анъаналарни кенг ёйиш, улардан мақсадли фойдаланиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат таълим стандартлари (1999) ҳамда «Соғлом авлод Давлат дастури»да ўқув юртларида жисмоний таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, ўқувчи ёшлар ва талабаларни оммавий равишда спорт тадбирларига жалб этиш муҳим вазифа қилиб қўйилган. Шу асосда олий таълим тизими (1999) ва академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта

махсус ўқув юртлари учун «Жисмоний тарбия» дастури (2001) ишлаб чиқилиб, улар амалда қўлланилмоқда. 2000 йил 1 мартдан бошлаб «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари жорий этилди. Уларнинг мазмун, шакл ва мақсадлари ўқувчи ёшлар ва талабаларни жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш, меҳнат ва мудофаа ишларига лаёқатли қилиб етиштириш асос қилиб қўйилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар, маданият, тиббиёт, таълим ва спорт соҳаларидаги оммавий тадбирларнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмуни касб-хунар йўлида таҳсил олаётган ёшларнинг хар томонлама етук бўлиши, давр талабаларига тўла жавоб бериши, бунда меҳнат қилиш, Ватанга садоқат ҳис-тўйғулари ва эътиқодлари билан боғлиқ бўлган барча фазилатларга эга бўлишни тақозо этмоқда. Булардан таъкидлашдан мақсад шундаки, юқоридаги «Жисмоний тарбия» дастурларида миллий кадриятларни жисмоний тарбия дарсларида ўрганиш, айниқса миллий анъаналардан жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва халқ миллий ўйинларидан фойдаланиш йўллари ҳақида тўла маълумотлар йўқ. Бу эса ўқувчи ёшларнинг миллий анъаналар ҳақидаги тушунчалари, бунда жисмоний тарбиянинг моҳиятини билишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Яна бир томони шундаки, аксарият жисмоний тарбия ўқитувчилари дастурдан чиқа олмайди, ижодий ёндашиш, амалий ташаббуслар кам учрайди. Бундай салбий хусусиятлар талабаларнинг ўқув амалиётлари (педагогик ва ташкилий) жараёнида айнан намоён бўлмоқда.

Маълумки, жисмоний тарбия дарсларини ташкил этишда методик таълимоти ўзига хос хусусиятлари бор:

- талабаларга жисмоний тарбия дарсларида ўқув режаси асосий дарс олиб борилиш;
- талабалар танланган спорт тури мутахассислиги бўйича тайёргарлик ва маҳорат ошириш;
- талабаларда жисмоний тарбия машғулотларида шакл, мазмун ва методда олиб боради.

1. Факултетдаги профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиётлари, уларни қизиқтирган махсус фанлар (ихтисосликка кириш, илмий тадқиқотлар методикаси, миллий кадриятлар ва жисмоний тарбия ва ҳ.к.) бўйича курслар ташкил этилган. Бу жараёнлар талабаларда у ёки бу даражада ихтисослашган тушунча ва билимларни эгаллашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Лекин, бу ҳолат барча олий ўқув юртларида яхши йўлга қўйилган, уларнинг сифати юқори даражада, деб бўлмайди. Бунинг ҳам баъзи бир объектив ва субъектив сабаблари бор:

- жисмоний тарбия ва миллий анъаналарнинг ижтимоий-тарбиявий хусусиятларини мужассамлаштирувчи ўқув-услугий қўлланмалар, тавсияномалар мукамал равишда ишлаб чиқилмаган;

- спорт турлари бўйича назарий тушунчалар ва амалий-касб билимларини чуқурлаштиришда фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларда анъаналар ҳақидаги билимлар анча саёз;

- реферат, курслар ва битирув (диплом) ишларида маънавий ва жисмоний камолот мавзулари уларнинг ўзаро узвий боғлиқликлари муфассал ёритилмаган;

- магистрлар, аспирантлар ва мустақил илмий изланувчилар томонидан жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари ҳамда ҳозирги давр талаблари асосида миллий анъаналарда мақсадли фойдаланиш усуллари ари, амалий ишларга доир махсус тадқиқотлар олиб борилмаётир.

Шу асосда иқтидорли болаларни танлаш, тажрибасиновлардан ўтказиш ва уларни спорт мактабларига сафарбар қилиш алоҳида таъкидланган. Бундай ташкилий, амалий ва тарбиявий шароитларда миллий анъаналарда қўлланилаётган спорт чиқишлари, оммавий намоёишлар муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Шу сабабдан жисмоний маданият факултетларининг барча босқичларидаги талабаларга болалар спорти ва миллий анъаналарининг бир-бирига тарбиявий; ташкилий жиҳатдан мутаносиблик усулларини ўргатиш лозим бўлади. Бундай ижтимоий-тарбиявий таълимотлар ва амалий

фаолиятларни барча назарий ва амалий (спорт турлари) дарслар ҳамда спорт машғулоти жараёнида ўргатиш лозим.

Ҳар бир соҳадаги каби жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашда етарли даражада назарий билим ва амалий кўникмалар ҳосил қилдириш энг асосий фаолиятлардан биридир.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар мазмунида жисмоний таълим, спорт, саёҳатлар ва халқ миллий ўйинларининг миллий хусусиятлари ҳамда уларнинг ижтимоий-тарбиявий жараёнларига катта эътибор берилиши лозим. Жумладан, мамлакат миқёсидаги ўтказилаётган нуфузли оммавий спорт мусобақалари, маданий-спорт тадбирларининг очилиши ва яқунларида намойиш этилаётган спорт чиқишлари, кўргазмали намойишлар, тарғибот йўналишларидан туман (шаҳар) ва бошланғич ташкилотларда намуна сифатида фойдаланиш яхши йўлга қўйилиши керак. Энг асосийси жисмоний таълим ўқитувчилари фақат машғулоти ўтказиш, спорт турлари бўйича мураббийлар эса фақат мураббийлик фаолияти билан шуғулланиб қолмасдан ўқувчи ва талабаларни спорт билан банд бўлиш жараёнини ҳамкорликда ташкиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. “Истиқлол ва маънавият”. - Т.: “Ўзбекистон”, 1994. 165-б.
2. Ахматов М.С. “Узлуксиз таълим тизимида оммавий спорт-соғломлаштириш ишларинисамарали бошқариш”. Тошкент – 2005 й. 250 б. Б.: 60.